

# ҮРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ МУАССАСАЛАРИДА “ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ МАЪРИФАТ” ШИОРИ ОСТИДА ТАДБИРЛАР ЎТКАЗИЛМОҚДА

Фарғона вилоятида ёшлар ўртасида ижтимоий-маънавий мухитни янада соғломлаштириш, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик руҳида тарбиялаш, она Ватанга муҳаббат ва юрга садоқат туйғуларини мустаҳкамлаш мақсадида ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларидаги ўқувчилар иштирокида “Жаҳолатга қарши маърифат” шиори остида тадбирлар ўтказилмоқда.

Шундай тадбирлар Фарғона давлат университети академик лицейи, Тошкент ахборот технологиялари университетининг Фарғона филиали академик лицейи, Фарғона имконияти чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган касб-хунар мактаби ҳамда Бағдод, Қува, Қўштепа, Олтиариқ туманларидаги касб-хунар мактабларида ўтказилди.

Тадбирлар аввалида фотокўргазма ташкил қилиниб, унда экстремизм ва терроризм, гиёҳвандлик ва бошқа салбий иллатларнинг оқибатлари, ёшлар тарбияси, илм олиш, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни тарғиб қилувчи лавҳалар ўрин олган.

Шунингдек, тадбирларда малакали имом-хатиблар томонидан Ислом дини тинчлик дини эканлиги, тинчлик-осойишталик улуғ неъмат эканлиги ҳақида ва бошқа маъruzачилар томонидан илм олиш, ота-онани ҳурмат қилиш, Ватанни севиш ҳамда жаҳолатга қарши фақат маърифат билан курашиш мумкинлиги ҳақида маъruzалар қилинди.

Тадбирлар вилоят ҳокимлиги, Дин ишлари бўйича қўмитанинг вилоят бошқармаси, Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими, Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш бошқармаси ҳамкорлигига ўтказилмоқда.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-11-24 17:52:04